

Қашқадарлик Мавлуда Элтоева ўғли мактабнинг тўққизинчи синфини битираётганини ўйлаб, уни пойтахтдаги тиббиёт коллежларидан бирига киритиб қўйиш мақсадида таниш излашга тушди. Ундан-бундан суриштириб, Чилонзор тиббиёт коллежига келди ва шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Акмаал Собиров билан танишиб қолди-да, унга дардини «дастурхон» қилди.

9 бет

...Искандар "Ичкилик олиб берсам, қутуламан", деб янглишган эди. Ичкилик ичган сайин Улугбек одамийлик қиёфасини йўқотиб, янги танишини ҳақоратлашга тушди. Бунга тоқат қилолмаган Искандар яна яхшиликча қутулмоқчи бўлди. Ўрнидан туриб, кўчага чиқди. Улугбек йигитга эргашди. Унинг қўлидан сумкасини юлиб олиб, дўппослашга тушди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2016-yil 29-sentabr, №39 (1028)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 22 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 632-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) 21-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқолиши мумкин:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс уч йил ичида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шақшубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этиши натижасида олинган бўлса;

4) агар шахс чет давлат фойдасини кўзлаб фаолият юритиш ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса;

5) агар шахс чет давлатларнинг фуқаролигини олган бўлса.

Чет давлатнинг фуқаролигини қабул қилган шахс ушбу факт ҳақида ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идораларига ёки чет элдаги консуллик муассасаларига хабар бериши шарт»;

2) 26-модда қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Чет эл фуқароси бўлган, ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатиб ўтилган шахслар томонидан фарзандликка олинаётган бола бошқа давлат фуқаролигидан чиққан тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги 746-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-П-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 10-модданинг иккинчи қисмидаги «Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 18-модданинг номи ва биринчи қисмидаги «Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар «Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 28-модда биринчи қисмининг:

саккизинчи хатбошиси «қамоқда сақлаш» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн иккинчи хатбошиси «қамоқда олиш» деган сўзлардан кейин «ёки уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 43-модда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Алоҳида ҳолларда, прокуратура органларига хизматга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида олий маълумотга эга бўлган мутахассислар қабул қилиниши мумкин»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

5) 50-модданинг биринчи қисми «кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устама ҳақлардан» деган сўзлардан кейин «ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

/Давоми 5,6,7,8-бетларда/

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni



Маънавият боғининг боғбонлари

"Устоз — отангек улуг" деган пурмаёно ҳикмат ёшлигимиздан онгимизга синдирилган бўлса-да, бу гапнинг асл маъноси ва моҳиятига ёшликда эмас, сал кейинроқ тушуниб етаркансан, киши. Ўқитувчилик ва мураббийлик — фидойиликни талаб этадиган, ўта масъулиятли ва шарафли касб. Э-нинг боласига билим бериш ва тарбиялашдан ҳам шарафлироқ касб бўлмаса керак дунёда.

Бу жараён ўта мураккаб бўлиб, бутун борлигини бағишлашни, фидойиликни талаб этади. Шу боис ҳам ёш авлодни камол топтириш, уларга илму фан сирларини ўргатишдек гоёта масъулиятли ишни адо этиб келаятган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан қийс-лаб, ўлчаб бўлмайди.

Шарқ асотирларида ёзили-шича, бир кун Искандар Зул-карнайдан сўрайдилар:

— Не сабабдан устозинг Арастуни отанг Султон Фай-лакус (Филипп)дан ҳам аъло кўрасан?

Шоҳ Искандар шундай жа-воб қайтарди:

— Отам менин жисмимни тарбиялаб, осмондан ерга олиб тушди. Устозим Арасту эса менин руҳимни тарбия қилиб, ердан осмон қадар юксалтирди.

Бу гап исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Чунки буюк Сукротни ҳам, улуг ватандош-ларимиз, дунё тан олган олим-лар — Абу Наср Фаробий, Абу али Ибн Сино, Исмоил Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек ва Алишер Навоийларни ҳам устозлари тарбиялаб, оламга танилиши-га сабабчи бўлганлар. Ана шу алломаларнинг асарлари билан яқиндан танишсангиз, ус-тозларидан таълим олиб, илм-нинг сир-синоатларини ўр-ганганликларга боис юксак даражага етишганликлари, бунинг учун улардан умрбод миннатдор эканликлари ҳа-

қидаги дил сўзларидан воқиф бўласиз.

Тарихда устоз ва шогирд-ликнинг гўзал ибратлари бор. Икки буюк шоир Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг устоз-шогирдлик муносабат-лари неча асрдан буён ҳам-мани лол қолдириб келаяп-ти. Худди шунингдек, ўз дав-рининг икки буюк алломаси-Қозизода Румий билан Мир-зо Улугбекнинг устоз-шо-гирдлик муносабатлари тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битиб қўйилган.

Мамлакатимизнинг Би-ринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ис-тиқлолнинг дастлабки куна-риданок баркамол авлодни тарбиялашга, малакали кадр-лар тайёрлашнинг муҳим во-ситаси сифатида таълим со-ҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вази-фаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амални оширилган эзгу чора-тадбир-лар кўлами мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган навқирон ав-лодни воёга етказиш учун мустаҳкам замин яратди.

Мақтаб таълимини ривож-лантириш Давлат умуммиллий дастури асосида мамлақати-миздаги умумтаълим мактаб-ларининг деярли барчаси капитал реконструкция қили-ниб, замонавий андозалар асосида юзлаб янги мактаб-

лар қурилди. Мактабгача таъ-лим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, "Барка-мол авлод" болалар марказ-лари, спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, педагог ходим-ларни қайта тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш институт-ларининг моддий-техник ба-заси мустаҳкамланиб, улар-нинг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда халқ таъ-лими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомил-лаштириш юзасидан чора-тадбирлар давр талабига мос тарзда йўлга қўйилди, истеъ-додли, фидойи педагоглар-нинг моддий ва маънавий кўллаб-қувватланиши, ўқитув-чилар масъулиятининг оши-рилиши ўз самарасини бер-моқда. Кейинги йилларда халқ таълими ходимларининг иш ҳақи миқдори бир-неча баробар оширилди. Бошлан-ғич синф ўқитувчиларига ой-лик устамалар, синф раҳбар-лиги, ўқув кабинетлари ва лабораториялар мудирлиги учун қўшимча ҳақлар белги-ланди. Давлат таълим стан-дартларига мувофиқ ўқитувчи-лар учун педагогик юктамалар маъбуллаштирилди.

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" ва "Ўзбеки-стон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходи-ми" фахрий унвонлари таъсис этилди. 2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъ-минлаш тизимини янада так-миллаштиришга оид чора-тад-бирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

/Давоми 3-бетда/

Тадбиркорлар манфаати устувор

Мамлакатимизда хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмақда. Қонунчиликка имтиёзлар, эмин-эркин фаолият юритиш ва бизнесни ривожлантириш учун кўрсатмаётган галмхўрлик ўз самарасини бермоқда. Хусусий секторнинг яли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши тобора ортмоқда.

Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қонунчиликнинг аниқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатиш чоралари кўрилмоқда.

Назорат тадбирлари домида мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқирилиши, давлат бошқаруви ва назорат-тектириш органларининг тадбиркорлар фаолиятига дахлдор ҳужжатларининг қонунчилиги, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва устивор жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар фаолияти, фермер ҳўжаликларига кўрсатилаётган хизматларда устама нархлари белгиланишининг қонунчилиги ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатларга эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида ҳар ойда икки мартада тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. Хусусан, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари уларнинг раҳбарлари билан фаолиятини тиклаш мақсадида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 445 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари

тикланди, 100 нафардан ортиқ тадбиркорга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Бу жараёнда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича 26 та тақдимнома киритилди, ноқонуний 238 та қарор протест келтириш орқали бекор қилинди ва қонун ҳужжати талабига мувофиқлаштирилди. Давлат бошқаруви органларининг 47 нафар масъул ходими интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 489,7 миллион сўм маблағни ундириш бўйича вилоят ҳўжалик судига 4 та даъво аризаси киритилди.

Олиб борилган прокурор назорати тадбирлари домида давлат бошқаруви ва назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва муддатларининг бузилишига ҳамда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Мисол учун, Гурлан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш "Ягона дарча" маркази директори К.Нурметовга "Отаназар Дўсимов" хусусий фирмаси раҳбари А.Дўсимовнинг янги бино

қуриш учун қурилиш-монтаж ишларига рухсат беришнинг сўраб қилган мурожаати бўйича ундан асоссиз ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олган. Марказ томонидан бу каби ҳолат-

ни таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1 сентябрь кунига қадар вилоят бўйича давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган 1197 нафар фуқарога СВОЖДЛКК департаментининг вилоятдаги ҳудудий бўлимлари ва назорат қилувчи органлар томонидан тегишли чоралар қўлланилиб, улар қонуний тартибда фаолият юритишлари учун давлат рўйхатидан ўтказилди.

Прокуратура органлари томонидан фаолиятини тўхтатган корхоналар таҳлил қилиниб, бунинг са-

баблари ўрганилмоқда. Масалан, шу тоифадаги 52 та санат корхоналарининг фаолияти таҳлил қилинганида, 8 таси ихтиёрий тугатиш жараёнида ёки фаолият юритишни хошламаётганлиги, 13 тасининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжудлиги, 14 тасининг фаолиятини қайта тиклаш ишлари олиб борилаётганлиги, 11 таси молиявий маблағи етарли эмаслиги ва 16 таси турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётганлиги маълум бўлди. Прокуратура аралашуви билан 47 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди ва 92 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, прокуратура органларининг амалий ёрдами билан 28 та тадбиркорлик субъекти янгидан ташкил қилиниб, 44 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳар бир

Абдурайхон МУҲАММАДИЕВ,
Хоразм вилоят
прокурорининг ўринбосари

мурожаати ўз муддатида қонуний кўриб чиқирилиши таъминланмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси томонидан ҳазораси туманида фаолият кўрсатиб келаётган "Hazoraspavtogaz" МЧЖ раҳбари С.Бобожоннинг ҳамият томонидан истемол қилинмаган газ сарфи учун асоссиз тўлов ундирилганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, "Урганч-трансгаз" ШК ходимлари Р.Ибодуллаев ва И.Худайберганаев ҳамда "Автогазтаъминот" УК ходими Б.Бекчанов "Урганч-трансгаз" ШК балансидаги "Hazoraspavtogaz" МЧЖ фойдаланган газ ҳисоблагич носозлиги ҳақида нотўғри ҳулоса қилиб, МЧЖга 2015 йилнинг 10-28 август кунлари учун 383981 метр куб ортиқча газ ҳажми ҳисоблашган. Бу билан улар ҳамият раҳбари С.Бобожон томонидан ушбу газ ҳажми учун 228 млн. 354 минг сўмлик асоссиз тўлов амалга оширилишига сабабчи бўлишган.

Бунинг оқибатида ҳамиятга қаршли автомобилларга газ тарқатиш шохобчаси 13 кун давомида фаолият кўрсатмасдан қолиб, унинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари поймол этилган. Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мақсадимиз тадбиркорларнинг эмин-эркин, қонун талаблари асосида самарали фаолият кўрсатишларини таъминлаш, қонун устуворлигини кафолатлашдир. Зеро тадбиркорликнинг ривож эл-юрт фаровонлигини таъминлайди.

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим таянчи

Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлгаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат самарасида бугунги кунда мазкур соҳа иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларини ишончли муҳофазалаш ҳамда уларни жадал ривожлантириш борасида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айни чоғда фуқароларнинг мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқини давлатимиз томонидан кафолатланган.

Асосий Қонунимиз талаб ва қоидалари барча соҳада, мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда ривожлантириш йўлида мустахкам ҳуқуқий асос бўлмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ҳуқуқий база тақомиллаштириб борилаётгани, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ҳимояси самарали таъминланаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазаси янада қулайтирилгани улар фаолиятига давлат ҳамда назорат идоралари томонидан асоссиз аралашувларни чеклади. Жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда мулкдор ҳуқуқи устуворлиги тамойили мустахкамланди.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрйли мамлакатимизда макроиқтисодий мутаносиблик ҳамда иқтисодий ўсишининг

барқарор юқори суръатлари таъминланмоқда. Жорий йилнинг олти ойида ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди. Санат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,8 фоиз, чакана товар айланмаси 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми 10,8 фоиз ўсди. Эришилган бундай натижалар, аввало, иқтисодиётда ижобий тарқибий силжишларга, сифат ўзгаришларига ва тенденцияларга, шунингдек, самарали пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати ўтказилишига, аҳолининг тадбиркорлик билан кенг шуғулланиши ҳамда даромадлари ортишига хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси, кейинги беш йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш дастури доира-сида микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, ягона солиқ тўлови тушумланишининг ўсиши кузатилди. Солиқ юкининг муттасил камайитрилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари кўпайитрилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу иқтисодиётнинг кўпгина соҳалари ва тармоқларини равақ топтиришда муҳим ўрин тутди.

Андижон вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу

борада асосий эътибор "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси таъминлашига қаратилди.

Хусусан, вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда "Ягона дарча" марказларига масъул ходимлар бириктирилиб, бугунги кунга қадар ҳам услубий, ҳам амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Мазкур йўналишда ўтказилган текшириш ва амалий ёрдам натижасида коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар раҳбарлари номига 53 та, ҳудудий ҳокимликларга 16 та, Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига 16 та, табиати муҳофаз қилиш ҳамда "Узтелеком" ҳудудий бошқармалари бошликларига 3 тадан тақдимнома киритилиб, 16 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни муддатида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга қўлланилган мораторийга сўзсиз итоат этилган ҳолда текшириш режа жадвали ишлаб чиқилди ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиручи Республика Кенгашига тақдим этилди.

Зафарбек ҒУЛОМЖОНОВ,
Андижон вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида режадан ташқари қисқа муддатли текширишларни ташкиллаштириш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган барча ходимлари иштирокида мунтазам семинар-ўқув машғулоти ўтказилиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашмаслик ҳамда ноқонуний текшириш ўтказилишига йўл қўймаслик тарғиб этилмоқда.

Бундан ташқари, тендер савдоларида сотилиши таъминланган, бирок тендер қолиби деб топилган тадбиркорлик субъектлари билан шартнома тузилмаган давлат объектлари ҳам қайта савдога чиқарилди. Ўтказилган тендер савдоларида Андижон ва Хонобод (Андижон шаҳридаги объектнинг қисми), Андижон тумани, Олтинкўл, Улғунор, Қўрғонтепа ва Ҳўжабод туманларида 1 тадан жами 7 та давлат объектлари "ноль" қийматида салоҳиятли инвесторларга қайта сотилиши таъминланди.

Истиқлол тадбиркорларнинг имкониётларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришга кенг шартот яратди. Эътиборлиси, мазкур масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зотан, хусусий мулк ҳамда тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятининг дахлсизлиги тегишли қонунлар билан мустахкамлаб қўйилгани "Ким эдигу ким бўлди?" деган ҳаётий, эзгу ғоянинг амалий ифодасини яққол тасдиқлайди.

1 октябрь — Уқитувчи ва мураббийлар куни

Маънавият боғининг боғбонлари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

1996 йил 27 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг "Уқитувчи ва мураббийлар куни белгилаш тўғрисида" ги Қонуни қабул қилинди. 2012 йил 10 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори ҳаётга татбиқ этилди.

Доимий гамхўрлик ва эътибор уқитувчи ҳамда мураббийларнинг ўз устида ишлаши ва изланишида, таълим жараёнида илғор педагогик ва инновацион технологияларнинг жорий этилишида муҳим омил бўлмоқда. Педагог кадрларнинг малака ва маҳоратини янада юксалтириш, ёшлар таълим-тарбиясидаги масъулиятини ошириш, таълим масканларини ўқитувчи кадрлар билан тўлиқ таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самаралари жаҳоннинг кўпгина давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътибор этилмоқда. Франциянинг "Inseed" халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан "2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси" маърузасига асосланиб тайёрланган қиссий ахборотда таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон дунёда иккинчи ўринни эгаллагани фикримизнинг яққол исботидир.

Уқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиш, меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги гамхўрлик туфайли ўтган йиллар мобайнида умумтаълим, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги юзлаб устоз ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонларининг ҳам борлиги янада қувонарлидир.

— Уқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, истиқлол йилларида меҳнатимизнинг эъзоз ва эҳтиром топиши биз, педагогларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда, — дейди Қарши шаҳридаги 2-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова. — Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган бундай эътибор бизни ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш, маънавиятини юксалтириш, она юртга муҳаббатли, иймон-этиқоди мустақам авлодни тарбиялашга ундайди.

Афлотун "Агар этиқдўз ўз касбини билмаса бу хавфли эмас, нари борса халқ пойабзалдан ёлчимайди. Борди-ю, муаллим нодон бўлса, бу фожиа, бу давлат илдиғига болта урган билан баробар, чунки у нодонлар сонини кўпайтиради", деган эди. Буюқ файласуф бу фикри билан ўша даврдаёқ муаллимнинг чуқур



билим эгаси, юксак маънавий салоҳият соҳиби бўлиши кераклигига ургу берган. Бугунги кунга келиб эса ўқитувчининг саводхон бўлиши юз чандон муҳим.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови таълим фидоиларининг ўзaro фикр алмашишига, ўз фани бўйича мукамал билимга эга бўлишига, ўқув жараёнига янгича усул ва шакллари татбиқ этишга иймон яратмоқда. Ўз фани бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган, ҳар бир дарсни ўқувчиларнинг ёшига мос, қизиқarli ҳамда турли кўргазмали қуроллардан фойдаланиб ўтаётган илгор педагоглар меҳнати туфайли юртимиз таълим тизими ва ўқитувчиларнинг билим даражаси тобора юксалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида" ги Қарори замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, хорижий тилларни пухта билладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратмоқда. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларининг инглиз, немис, француз тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш бўйича кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синовдан ўтказилиб, уларнинг маошига қўшимчалар бериб берилмоқда. Бу — масъулиятли ва шарафли касб соҳибларини ўз устида тимисиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Ниқид»

Мана ўн тўққиз йилдирки, 1 октябрь — Уқитувчи ва мураббийлар куни, умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келинмоқда. Шу куни бизга сабоқ берган, ҳаёт ва илм сўмоқларидан одимлаб боришимизда устозлик қилган ва бу вазифани айни пайтда ҳам шараф билан бажариб келаётган инсонларни касб байрамлари билан табриклашга ошмакка. Ватанимиз эртанги кунининг пойдеворини яратаётган, кўз нури, қалб кўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга бағишлаган бу инсонларни ҳар қанча эъзозласак, ҳар қанча таҳсин айтсак осиз. Устоз деганда ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорчилик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади.

Ҳа, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек гамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган устоз ва мураббийларни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча эъзозласак ҳам камлик қилади. Барча устоз ва мураббийларни 1 октябрь — Уқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан қутлаймиз. Шогирдлари камолитдан қувониб, улар билан доимо фурурланиб, узоқ йиллар соғ-омон бўлиб юришларига тилқадосимиз.

Касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар! Сиз энг улуғ ва мўътабар зотсиз, маънавият боғининг боғбонларисиз.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Келажак авлод саломатлиги йўлида

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига чорак аср тўлди. Ўтган йиллар давомида жамиятнинг ҳар бир жаҳасида улкан янгилашлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, халқимизга жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатишининг самарали тизими яратилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номи ва фаолияти билан беvosита боғлиқдир.

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", деган давлат жамиятимизда амалга оширилаётган эзгу ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида" ги Фармони соғлиқни сақлаш соҳасини чуқур ислох этиш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишининг янги, замонавий тизимини барпо этишда муҳим дастуриламал бўлди.

Республикаимиздаги деярли барча туман тиббиёт бirlашмалари тубдан модернизация қилинди. Вилоятларда болалар ва катталарга жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус диагностика ва тиббиёт марказларига асос солинди. Она ва бола скрининг, перинатал, репродуктив саломатлик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг ноёб тизими шакллантирилди. Фармацевтика тармоғи барпо этилди.

Эмлаш орқали юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича замо-

навий тизим шаклланди. Бугунги кунда ўн икки турдаги юқумли касалликка қарши қўлланиладиган вакциналар давлат бюджети ҳисобидан харид қилинмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилда ушбу мақсадларга 18,5 миллиард сўм ажратилди. Эмлаш қамрови қарийб юз фоизни ташкил этмоқда. Бу жаҳонда энг юқори кўрсаткичдир. Мазкур ижобий натижаларни нуфузли халқаро ташкилотлар алоҳида эътироф этди.

Инсон саломатлигини асрашда тиббиёт билан бир қаторда бошқа муҳим масалалар ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, рационал овқатланиш маданиятини тарғиб этиш, озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали элементлар билан бойитиш ишлари тизимли ташкил этилмоқда. Мамлакатимизда жаҳон тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибиде фойдали микроэлементлари бўлган поливитамишлар билан бепул таъминлаш амалиёти жорий этилди ва бунинг муҳим натижалари қисқа муддатда намоён бўлди. Оммавий спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш эзгу ҳаракатга

айланди.

Соғлом она ва бола йилида бу йўналишдаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бирламчи тиббий-профилактика муассасалари, вилоятлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари модернизация қилинмоқда. Перинатал ва скрининг хизматларининг моддий-техник базаси такомиллаштирилмоқда. Тиббий патронаж ёрдамнинг кўлами кенгайилмоқда.

Бу хайрли ишларнинг натижалари халқимизнинг, айниқса, навқирон авлоднинг саломатлик кўрсаткичи яхшиланаётгани, жисмоний ва интеллектуал салоҳияти юксалиб бораётгани мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда она-бола скрининг хизматининг самарали фаолияти натижасида 2005 йилдан бунён ривожланишида туғма нуқсонли бор болалар 1,3 баробарга камайди. Кейинги йилларда спорт билан шугулланидагн 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга камайди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайди. Юртимизда камолга етаётган болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Ришозид МУСТАФАҚУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Уқўрғон туман бўлими бошлиғи

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов асос солган "Соғлом она — соғлом бола" миллий модели Ўрт-бошимиз оруз қилган ва бутун ҳаётини бахшида этган эзгу мақсад — миллатимизни соғломлаштириш, халқимизнинг генофондини мустаҳкамлаш йўлида ана шундай улкан натижаларга пойдевор бўлди. Аждодларимизнинг руҳлари шод, халқимизнинг турмуши обод бўлди. Оилаларда, маҳалаларда, юртимизда соғлом ва бахтли болаларнинг шодон кулгуси баралла янграмоқда. Бу ишларнинг маҳсулини нафақат халқимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Буларнинг барчаси Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг эл-юрт, келажак авлодлар манфаати ва камолоти йўлида кунни тунга улаб қилган заҳматли меҳнати, шижоати, фидойилиги, оқилона сиёсати эъзига бунёд бўлди. Замонлар ўзваси, бу улуғ зотнинг эл-юрт манфаати йўлида амалга оширган бундай эзгу ишлари асло унут бўлмайдн. Ислам Каримов асос солган ҳаётбахш гоилар нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг эртанги таракқиётига хизмат қилувчи, келажак авлодларимизни комилликка етакловчи қадрият сифатида бардавом яшайди.

Жамиятнинг муҳим бўғини

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, юртимиз иқтисодиётини юқори чўққиларга олиб чиқиш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилишга қаратилган. Бу борадаги ислохотлар самарали амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари алоҳида ўрин тутади.



ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти қанчалар юқори эканлигини яхши биламиз. Маҳалланинг биринчи галда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маҳалла тарбия бешиги ҳисобланади. Ҳар бир шахс маҳаллада шаклланади. Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг ҳаётимиздаги ҳақиқий ўрни ва нуфузи бениҳоя ошди. Бугунги кунда одамларнинг қундалик ҳаётидаги кўпгина масалалар мазкур институт иштирокида ҳал этилмоқда. Маҳалла томонидан унинг ҳудудидаги аҳолининг уйлари, ҳовлилардаги биноларни ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлақлар, коммунал тармоқларни қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарихий ва маданий ёдгорликлар, қабристонларни таъмирлаш ишларини ташкил этибги-

на қолмай, шаҳар, туман ҳокимлиги томонидан ажратиладиган моддий маблағлар ва ўз маблағларини шу мақсадга йўналтирмоқдалар. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишига кўмаклашмоқда.

Республикамиз маҳаллаларида, қишлоқ, шаҳарча ва овулларда маҳаллий аҳолини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини ҳал этиш, аёлларга ва ёшларга кўмак бериш, ҳудуднинг маънавий муҳити соғлом бўлиши, турли диний-экстремистик гуруҳлар таъсиридан ёшларни асраш, улар ўртасида маърифий тадбирларнинг энг таъсирчан услубларини қўллаган ҳолда фаолият юритиш мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалаларни бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар йиғинига тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиши, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқаро-

Абдуқундуз АБДУРАҲИМОВ,
Бош прокуратуранинг ОУК катта ўқитувчиси

ларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсимлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш каби ваколатларнинг берилиши бежис эмас, албатта.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этишда, отанасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузасида: "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда", деб таъкидлаган эди. Шундай экан, бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек бу соҳада юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи мавжуд қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари ҳар доим кун тартибидидаги муҳим масала сифатида эътироф этилаверади.

Ёшларимизга янада кенг имкониятлар

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели"га ҳамда кучли ижтимоий сиёсат принципларига асосланган ҳолда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунларда мустақамлаб кўйилди. Бундай ҳужжатлар ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асосини яратиб берди.



Алишер ХОЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларида самарали фойдаланиш каби энг муҳим ва долзарб йўналишларда чоратадбирлар кўзда тутилган.

Зеро, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ёшларнинг ҳуқуқий оналиги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган пировард мақсад ҳам фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли доно ва албатта, бахтли бўлиши, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлиши, миллий ўзлигини, кимлигини, қандай буюк зотларнинг ворис эканини, Ватан тўғрисида чўқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавият бўлиб етишини таъминлашдан иборатдир.

чора-тадбирларни белгилаб олиш зарурияти тузилган айна вақтда кучга кирганлиги ҳам эътиборлидир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бундан бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида фойдалансалар, кимлардир ижтимоий тармоқлар орқали миллионлаб онги мўрт, ҳаётда қатъий мустақил фикри ҳали шаклланиб улгурмаган ёшларни тўра тўшириш ва улардан ўз қабих мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқдалар. Бизга маълумки, тафаккур қулиғи ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир. Мазкур қонун эса айнан шундай ҳолатларга нисбатан профилактикани амалга ошириш мақсадини кўзлайди.

Қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги кенг қўламли чора-тадбирларни янада ривожлантиришни ўзида муассамлаштирган. Шу билан бирга, унда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаолиятини ошириш, юксак маънавият, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, иқтидорли ёшларни

қилиниши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги изчил ҳаракатларимизда ёшларнинг фаол иштирокини кучайтиришга, мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб боришига, жамиятнинг демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнида уларнинг жадал ривожланишига, ёш авлоднинг илм-фан, спорт соҳасида эришаётган ютуқлари бу соҳадаги ислохотларни янги, янада юқори босқичга кўтаришга кенг шарт-шароитларни юзага келтиради. Шунингдек, ушбу ҳужжат жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборот технологиялари тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришларни холисона ва танқидий баҳолаган ҳолда фарзандларимиз келажагини кўзлаб, ёшлар сиёсатини амалга оширишда қўшимча

Шунингдек, Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунлар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишда, иш билан банд қилишда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий база вазифасини ўтамоқда.

2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун мустақиллик йилларида олиб борилган босқичма-босқич, тадрижий ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур қонуннинг қабул

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818—XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524—II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9—10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; № 12, 452-модда) **20-моддасининг саккинчи қисмидаги** «ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012—XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Жинойят кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда; № 9—10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 9—10, 149-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда; № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда; № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар; № 6, 248-модда; № 9, 416, 422-моддалар; № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар; № 7, 352-модда; № 9, 485, 487, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; № 4, 128-модда; № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар; № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар; № 9, 341-модда; № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда; № 9/1, 242-модда; № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 5, 130-модда; № 9, 244-модда; № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; № 8, 310, 312-моддалар; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **46-модданинг учинчи қисмидаги** «еш боласини боқиб уюв таътилда бўлган аёлларга» деган сўзлар «уч ёшга тулган болалари бор аёлларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **50-модда еттинчи қисмининг «в» банди** «ўтаб чиқиб» деган сўзлардан кейин «ёки ўтаётган чоғида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **66¹-модданинг биринчи қисми** «140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш)» деган сўзлардан кейин «141¹-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **141¹-модда** билан тўлдирилсин:

«141¹-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш

Шахсининг шахсий ҳаёт оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларини унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар:

а) оғир оқибатларга олиб келган бўлса;
б) ғаразли ниятларда содир этилган бўлса;

в) хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) **144-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «таъминламаганлик ёки» деган сўзлардан кейин «муружаат муносабати билан маълум бўлиб қолган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **157-модда биринчи қисми диспозициясининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлатга хонлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жусулик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларида давлат сирларини етказиш ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, худудий дахлсизлигига, хавфсизлигига, мудофаа салоҳиятига, иқтисодига зарар етказишга қаратилган қасдан содир этилган қилмиш»;

7) қуйидаги мазмундаги **188¹-модда** билан тўлдирилсин:

«188¹-модда. Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият

Мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурийат олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбурийатни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулкни ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ҳамда шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш, худди шунингдек мажбурий фаолиятга иштирок этишга жалб қилиш мақсадида ушбу фаолиятни реклама қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда реклама қилиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мулкий манфаат бериш бўйича зиммага мажбурийат олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш ва бунда илгари олинган мажбурийатни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулкни ҳисобидан бажариш, шунингдек бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ва шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш:

а) кўп миқдорда;
б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб;
г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) жуда кўп миқдорда;
б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўллаб содир этилган бўлса, —

етти йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

8) қуйидаги мазмундаги **259¹-модда** билан тўлдирилсин:

«259¹-модда. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқлигини таъминлашга доир мажбурийатларни бажармаслик
Ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқлигини таъминлашга доир

мажбурийатларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг уларни бажаришга масъул бўлган мансабдор шахслари томонидан бажарилмаслиги, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013—XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг **Жинойят-процессуал кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 9, 241-модда; № 3, 38-модда; № 5—6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда; № 7—8, 217-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-моддалар; № 9—10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда; № 6, 248, 249-моддалар; № 9, 422-модда; № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар; № 9, 482, 484, 487-моддалар; № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; № 4, 136-модда; № 9, 335-модда; № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда; № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар; № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар; № 9, 252-модда; № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда; № 9/2, 244-модда; № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **137-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

2) **223-модданинг матни** «Депутатлар» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **238-модданинг матнидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **240-модданинг биринчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

5) **249-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

6) **250-модданинг биринчи қисмидаги** «суриштирувчи», «суриштирувчи» ва «суриштирувчининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **251-модданинг иккинчи қисмидаги** «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

8) **252-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

9) **254-модданинг:**

биринчи қисмидаги «суриштирувчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «суриштирувчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **325-модданинг биринчи қисми** «140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «141¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **342-модда иккинчи қисмининг 2-банди** «қамоққа олиш» деган сўзлардан кейин «ёхуд уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **345-модданинг олтинчи қисмидаги** «244¹-моддаларида» деган сўзлар «244¹, 259¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015—XII-сонли Қонуни билан тасдиқлан-

ган Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда; № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 4—5, 126-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; № 5—6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда; № 7—8, 217-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда; № 9—10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 5, 67-модда; № 9—10, 149-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда; № 5, 90-модда; № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда; № 9, 498-модда; № 10, 536-модда; № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар; № 9, 416, 421-моддалар; № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар; № 9, 486, 488-моддалар; № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; № 9, 334, 335, 337-моддалар; № 10, 380-модда; № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар; № 6, 231-модда; № 9, 335, 339, 341-моддалар; № 10, 380-модда; № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; № 4, 104, 105-моддалар; № 9, 247, 252-моддалар; № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда; № 9/1, 242-модда; № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 5, 130-модда; № 9, 244-модда; № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда; № 8, 310, 312-моддалар; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда; № 4, 125-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **46-модданинг диспозицияси** «башарти ушбу Кодекснинг 46-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **46¹-модда** билан тўлдирилсин:

«46¹-модда. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш

Шахсининг шахсий ҳаёт оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларини унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан қирк бараваригача миқдорда жарима соллаша сабаб бўлади»;

3) **125-модда:**

биринчи қисмининг диспозицияси «мотоцикл» деган сўзлардан кейин «ва мопедлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг диспозицияси «носозлиги бўлган» деган сўзлардан кейин «ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фавқулодда вазиятда ойнани синдириш учун фойдаланиладиган болгача билан жиҳозланмаган, ўт ўчиргич, тиб-биди кутучиси, авария ҳолатида тўхтаган-лигини билдирувчи белги ва нур қайтаргичли камзул билан бутланмаган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккинчи қисми «125» рақамидан кейин «мопедлардан ташқари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **128-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «сутаннинг қоронги вақтида ёки кўриш чекланган шaroитларда ёритиш асбобларидан» деган сўзлар «ташқари ёритиш асбобларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **138-модда:**

биринчи қисмининг диспозицияси «кесиб ўтиш» деган сўзлардан кейин «пиедалар йўлининг қатнов қисмида, шу жумладан пиедалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланишни, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиб, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек эйтибдорини чалгандаги бошқа электрон воситалардан фойдаланиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

/Давоми 6, 7, 8-бетларда/

Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбаларидир».

13-модда. Узбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сонли Қонунга (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **48⁻модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**48⁻модда.** Ундирувни Қимматли қозғалар марказий депозитарийсининг, қимматли қозғалар бозори профессионал широкчисининг ва улар мижозларининг пул маблағларига ҳамда қимматли қозғаларига қаратиш хусусиятлари

Қимматли қозғалар марказий депозитарийси ва қимматли қозғалар бозори профессионал широкчисининг қарзлари буйича ундирув улар мижозларининг Қимматли қозғалар марказий депозитарийси ва қимматли қозғалар бозорининг профессионал широкчиси томонидан кредит ташкилотига очилган ҳисобварақидagi пул маблағларига қаратилиши мумкин эмас.

Қимматли қозғалар марказий депозитарийси ва қимматли қозғалар бозори профессионал широкчисининг қарзлари буйича ундирув улар мижозларининг тегишли реестр юретиш тизимидаги шахсий ҳисобварақларида ҳамда Қимматли қозғалар марказий депозитарийси ва қимматли қозғалар бозорининг профессионал широкчиси томонидан очилган депо ҳисобварақларида сақланаётган қимматли қозғаларига қаратилиши мумкин эмас»;

2) **53⁻модданин**:

учинчи қисми «чиқарилган сана» деган сўзлардан кейин «(қисиялар бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисмида «бундай қимматли қозғаларни ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун бошқа депозитарийга топшириш» деган сўзлар «бундай қимматли қозғалар ўтказмаларини амалга ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **54-модданин бешинчи қисмида** «депозитарийга» деган сўз «Қимматли қозғалар марказий депозитарийсига ёхуд инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **55-модданин биринчи қисмида** «Депозитарийга» деган сўз «Қимматли қозғалар марказий депозитарийсига ёки инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Узбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 432-II-сонли Конституциявий Қонунининг (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **18-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгариш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **4⁻банд** билан тўлдирилсин:

«4) Сенат мажлисида ҳуқумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш масалаларини қўяди»;

8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши, Сенат кўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитилади»;

қуйидаги мазмундаги **9 ва 10-бандлар** билан тўлдирилсин:

«9) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Сенат қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади;

10) янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингнинг амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сенат кўмиталари қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

15-модда. Узбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434-II-сонли Конституциявий Қонунининг (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **18-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг тақлифига кўра жойларда бюджет маблағларининг мақсали сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини ўрганади»;

олтинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча **еттинчи — ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши, Қонунчилик палатаси кўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитилади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади;

янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингнинг амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатаси кўмиталари қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

16-модда. Узбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 436-II-сонли Қонун (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда) **7-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Бунда ҳақиқий ҳарбий хизматда контракт буйича кираётган шахслар билан дастлабки контракт беш йилга тузилади; контракт буйича ҳарбий хизматчилар (резервдаги ҳарбий хизматта мажбурлар) билан янги контракт беш йилга ёки агар ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг chegarасига етишига беш йилдан кам қолган бўлса, камроқ муддатга тузилади».

17-модда. Узбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонунга (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) **20-модда:**

иккинчи қисми «фракцияларга (депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатасининг кўмиталари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджети лойиҳасини параметрлари билан

боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин»;

учинчи — ўн иккинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми «фракциялар (депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатасининг кўмиталари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатаси Давлат бюджети лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқилади»;

бешинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **олтинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисми «фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатаси кўмиталари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг), Қонунчилик палатаси кўмиталарининг Давлат бюджети лойиҳаси буйича фикрлари ва тақлифлари Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилаётганда у фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг), Қонунчилик палатаси кўмиталарининг ва тақлифларини инобатга олган ҳолда маромига етказиш учун Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилиши мумкин»;

2) **26⁻модданин матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ахборотини ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Узбекистон Республикаси Бош вазир томонидан Қонунчилик палатасига тақдим этилади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатасининг кўмиталари Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқди ҳамда фикрлар ва тақлифларни ишлаб чиқди, фикрлар ва тақлифлари Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш ахбороти буйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳуқуқнинг амалга ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши мумкин.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш ахбороти буйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарори Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

3) **31-модда:**

иккинчи қисмида «масъул кўмитаниннг хулосаси, фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва тақлифлари» деган сўзлар «фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва тақлифлари, масъул кўмитаниннг хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсали сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар (депутатлар гуруҳлари) жойларда бюджет маблағларининг мақсали сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **33-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Фракциялар (депутатлар гуруҳлари), Қонунчилик палатасининг кўмиталари Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқа-

ди ҳамда фикрлар ва тақлифларни ишлаб чиқди, фикрлар ва тақлифлар Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш ахбороти буйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳуқуқнинг амалга ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалаларга доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши мумкин.

Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш ахбороти буйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарори Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

5) **33⁻модда:**

учинчи қисмида «Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинади» деган сўзлар «Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ҳуқумат аъзоларининг ахборотини эшитиш ахбороти буйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳуқуқмат аъзоларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳуқумат аъзоларининг ахборотини эшитиш ахбороти буйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарори Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

6) **33⁻модданин**:

учинчи қисмида «ўз мажлисида» деган сўзлар «ўз мажлисларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ахбороти буйича Қонунчилик палатасининг кўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига юборилади.

Қонунчилик палатасининг кўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ қонунларнинг, Қонунчилик палатаси қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади.

Қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ахбороти буйича Қонунчилик палатасининг кўмиталари ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиши, шунингдек ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг кўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингнинг амалга оширилади. Мониторингнинг амалга ошириш ахбороти Қонунчилик палатаси кўмиталарининг мажлисларида кўриб чиқиши мумкин»;

7) қуйидаги мазмундаги **33⁻модда** билан тўлдирилсин:

«33⁻модда. Парламент текшируви

Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда ҳўқимиятга ҳақли: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тўшунтиришлар бериш учун тақдир этиш.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

[Давоми. Бошланиши 1, 5, 6, 7-бетларда]

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган иш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан белгиланган мuddатда уларни хабардор қилади.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» ги 523—II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2003 йил, № 9—10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **25¹-модданинг** матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якуналари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан Сенатга тақдим этилади.

Сенат қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқди ҳамда фикрлар ва тақлифларни ишлаб чиқди, фикрлар ва тақлифлар Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якуналари буйича Сенат қарор қабул қилади, унда ҳуқуқнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга доир фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якуналари буйича қабул қилинган Сенатнинг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига юборилади»;

2) **32-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сенат қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқди ҳамда фикрлар ва тақлифларни ишлаб чиқди, фикрлар ва тақлифлар Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш якуналари буйича Сенат қарор қабул қилади, унда ҳуқуқнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалаларига доир фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш якуналари буйича қабул қилинган Сенатнинг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига юборилади»;

3) **32¹-модда** қуйидаги мазмундаги **32¹, 32² ва 32³-моддалар** билан алмаштирилсин:

«32¹-модда. **Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан аxbоротини эшитиш**

Сенат зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан аxbоротини эшитиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан аxbоротини эшитиш масаласи Сенат томонидан қўмиталарнинг ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан аxbоротини эшитиш тўғрисида Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига олдиндан юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг аxbоротини эшитиш якуналари буйича Сенат қарор қабул қилади, унда ҳукумат аъзоларининг фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган тақлифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг аxbоротини эшитиш якуналари буйича қабул қилинган Сенатнинг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига юборилади.

32²-модда. **Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш**

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Аграр, сув қўжаллиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш якуналари буйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитасига юборилади.

32³-модда. **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш якуналари буйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилади»;

4) **32¹, 32² ва 32³-моддалар** тегишчан **32¹, 32² ва 32³-моддалар** деб ҳисоблансин;

5) **32³-модданинг** **учинчи қисмидаги** «ўз мажлисида» деган сўзлар «ўз мажлисларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг аxbоротини эшитиш якуналари буйича Сенатнинг қўмиталари қарорлар қабул қилади, қарорлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига юборилади.

Сенатнинг қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ қонунларнинг, Сенат қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади.

Қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш якуналари буйича Сенатнинг қўмиталари ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг аxbоротини эшитиши, шунингдек ўрганиш натижаларини Сенат кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингнинг амалга оширилади. Мониторингнинг амалга ошириш якуналари Сенат қўмиталарининг мажлисларида кўриб чиқиши мумкин»;

6) қуйидаги мазмундаги **32¹ ва 32²-моддалар** билан тўлдирилсин:

32¹-модда. Парламент текшируви

Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассислар, экспертлар ва олимларни комиссия ишига жалб этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун тақлиф этиш.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган иш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан белгиланган мuddатда уларни хабардор қилади.

32³-модда. Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш буйича улар ишининг самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясиз тузилади.

Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясиз билан биргаликда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш якуналари буйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ—136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **32²-модда** қуйидаги мазмундаги **40-банд** билан тўлдирилсин:

«40) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари

бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

2) **330-модда** қуйидаги мазмундаги **32-банд** билан тўлдирилсин:

«32) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

3) **377-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталда) хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоз, акциядорлик жамиятлари учун эса камида 15 фоз бўлганда».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида» ги УРҚ—249-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2010 йил, № 6, 230-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **4-бобнинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4-боб. Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва аxbорот билан таъминлаш.

Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш»;

2) қуйидаги мазмундаги **27¹-модда** билан тўлдирилсин:

«27¹-модда. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш

Суд экспертлари ҳар икки йилда малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти буйича малакасини, шунингдек ҳуқуқий билимларини ошириб бориши шарт.

Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан белгиланади.

Малака ва ҳуқуқий билимларини ошириши ўтаётган суд экспертларига ўқшнинг бутун даври мобайнида асосий иш жойи буйича ағаллаб турган давоими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади».

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган УРҚ—296-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописқа қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоғфаларининг рўйхати** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2011 йил, № 9, 249-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) **юзочи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Изоҳ; мазкур Рўйхатнинг 2 (хотини ёки эри, ўз оиласига эга бўлмаган вояга етган болалар ҳамда эр-хотиннинг биргаликда ва (ёки) илгариги никоҳдан туғилган ёхуд никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалар, шунингдек фарзандликка олинган болалар бундан мустасно), 3, 5, 9 — 12-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописқа қилинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописқа қилинмайди».

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга эид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

23-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ушбу Қонуннинг 3 ва 12-моддалари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач амалга киритилди.

Ушбу Қонун 6-моддасининг 7-банди ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЕЕВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 сентябрь
№ УРҚ—411*

Юртимизда таълим муассасаларида яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли бугун ҳар томонлама етук, баркамол ёш авлод вояга етмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эса юксак билим ва касбий салоҳияти эга ёшларимизнинг салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, соҳада эришмаётган ютуқларда устоз ва мураббийларнинг ҳам муносиб улуши бор.

Сохтакорлар

Шерали МАХМУДОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг матбуот хизмати катта инспектори

Шундай бўлса-да, таълим соҳасида содир этилаётган айрим ноҳушликлар дилни хира қилмоқда. Бунга йўл қўяётган кимсалар таълим беришни эмас, балки нафси йўлида қаллобликни афзал кўраётгани ачинарлидир. Жумладан, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 41-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Б.Раҳимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро С.Яхёевни Қарши шаҳридаги Инфокоммуникация нодавлат таълим муассасасига ўқишга қиритиб қўйишни ваъда қилиб, фирибгарлик йўли билан ундан 200 АҚШ долларини олган вақтда ушланган.

Тергов жараёнида аниқланишича, Б.Раҳимов Қашқадарё вилояти Ғузор туманида яшовчи фуқаро М.Позилов ва Ҳазорасп туманида яшовчи фуқаро Б.Яхшиев билан жиноий тил бириктириб, М.Позиловнинг Илгари Қашқадарё вилоятидаги Қарши шаҳар "Қарши инфокоммуникация" нодавлат таълим муассасасида ишлаб келганидан фойдаланган. Мазкур муассаса Қашқадарё вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 18 апрелдаги қарори билан давлат реестридан чиқарилган бўлишига қарамастан, у муассасада ўқиш истиғини билдирган талабгорларни қабул қилиш ва уларга муайян ҳуқуқ берувчи қалбаки дипломлар тайёрлаб беришни режалаштириди. Сўнгра пул эвазига, Б.Яхшиев орқали фуқароларга Қарши шаҳар "Қарши инфокоммуникация" нодавлат таълим муассасасига ўқишга кирганиги тўғрисидаги сохта маълумотларни тайёрлаб беради. Шунингдек, муассасанинг олдидан тайёрланган қалбаки маълумотнома ва контракт бланкаларини юбориб, ўқиб юрганлиги ҳақидаги сохта гувоҳномаларни тақдим қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Имтиёздан фойдаланишга ҳақли эди

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ёш тадбиркорларга янада кенг шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, уларга берилаётган имкониятлар натижасида қўллаб-қўзғалимизнинг орзу-умидлари рўёбга чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги "Солиқ ва бюджетни сийёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бўлган коллеж битирувчиларига солиқ имтиёзлари берилган. Яъни битирувчиларга 2015 йилдан бошлаб солиқ имтиёзи қўлланилмоқда. Унга кўра, улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан бошлаб, 6 ой мобайнида солиқ тўлашдан озод этилади. Бунда фақат бир шартга амал қилиш лозим. Битирувчилар коллежни битирганларидан кейин якка тартибдаги тадбиркор сифатида 12

ой ичида давлат рўйхатидан ўтган бўлишлари керак. Шунингдек, агар битирувчи ўз тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтгандан кейин 12 ой ичида тугатса, унда у ўз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган шу давр учун барча солиқлари тўла ҳажмда тўлаши лозим бўлади.

Бирок айрим ҳудудларда солиқ идоралари ходимлари ушбу талабни унутган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Мисол учун, Сирдарё вилоятининг Ховос туманида яшовчи Ҳамида Нурқулова (исм-фамилияси ўзгартирилган) 2015 йилда коллежни тамомлаб, ўша йилнинг август ойи бошида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва дўкон очиб, ҳўжалик моллари савдоси билан шуғулланиб келган. Туман ДСИ ходимлари якка тартибдаги тадбиркор Х.Нурқуло-

Азизилло МАХМУДОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси катта инспектори

вага юқорида келтирилган имтиёзга қўллаш ўрнига, унинг тўрт ойлик фаолияти учун банкдаги ҳисоб рақамидан даромад солигини ундириб олиш мақсадида 1 млн. сўмга яқин пулини мажбурий тарзда ечиб олишади.

Ёш тадбиркор ушбу ҳолат бўйича СВОЖДЛҚК департаментига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлади. Мурожаатни ўрганиш давомида ҳақиқатан ҳам туман ДСИ ходимлари томонидан мазкур қонун бузилиши ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланиб, Х.Нурқулованинг маблағлари ўз ҳисоб рақамига қайтарилди. Ушбу ҳолатга йўл қўйган туман ДСИнинг икки нафар ходими маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мўлжални бехато олганди

Қашқадарёлик Мавлуза Элтоева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўғли мактабнинг тўққизинчи синфини битираётганини ўйлаб, уни пойтахтдаги тиббиёт коллежларидан бирига қиритиб қўйиш мақсадида таниш излашга тушди. Ундан-бундан суриштириб, Чилонзор тиббиёт коллежига келиди ва шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Акмал Собиров билан танишиб қоли-да, унга дарзини "дастурхон" қилади.

— Ука, кўзимнинг оқу қароси бўлган ўғлим мактабни тамомлаяпти. У келгусида шифокор бўлиш ниятида.

— Жуда яхши ўйлабсиз, опа, — ҳамсуҳбатининг гапини илб кетди А.Собиров. — Шифокорлар учун ҳамма жойда иш бор.

— Ҳа, шунини ўйлаб, жоним ҳалакда, айланай. Шунинг учун уни шу коллежга қиритмоқчиман. Фақат қабулхонадагиларнинг айтишича, аввал шу ҳудудда яшайдиган ўқувчиларни, бўш ўрин қолсагина, вилоятлардан келган болаларни ўқишга қабул қилишар экан.

А.Собиров мўлжални бехато олганини англаб, жимлайди.

— Хоҳласангиз, ўғлингизни коллежга қиритиб қўяман, ўзим шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлайман.

— Барака топинг, укажон. Савобнинг тағида қолардингиз. Бу яхшилингизни ҳеч қачон унутмайман.

Орадан икки кун ўтиб, М.Элтоеванинг телефони жингиллади.

— Ассалому-алайкум, яхшиими-

Ботир МИРҲАМИДОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Чилонзор туман бўлими бошлиғи

сиз? Мен ҳалиги масалани гаплашдим. Ўғлим ўқишга кирди, деб ҳисоблайверинг. Фақат раҳбарларимиз сўраган пулни берсангиз бўлди.

— Майли, фақат ҳозир имкониятим йўқ. Сиз у ёғини нақд қилиб қўяверинг, пулни кейинроқ албатта тўғрилаб бераман, — жавоб қилди аёл.

— Э, қизикмисиз, — А.Собировнинг гапириш оҳанги ўзгарди. — Агар пулни олдидан бермасак, ўғлингизни рўйхатда қиритишмайди. Талабгорлар керагидан ортиқ бўлса... Минг доллар берар экансиз. Бўлмаса, болангиз ўқишга қирмайди.

Шунча пулни қаердан топиб беришни ўйлаб боши қотган М.Элтоева яна бир марта пулни кейинроқ беришни илтимос қилиб кўрди. Лекин А.Собиров кўнмади. Шундан сўнг она нима қилишини билмай, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди.

СВОЖДЛҚК департаментининг Чилонзор туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда А.Собировнинг фириби фож этилди. Унга берилган 900 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу ишни атофличка кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди уни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топди ва қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Лавозим борки, ўзига яраша масъулият бўлади. Айниқса, мансабдор шахс бўлиш осон эмас. Жумладан, мактаб директори кўп сонли жамоанинг бошлиғи, таълим-тарбия даргоҳининг мутасаддиси санаиб, ҳар бир ҳодисага эътибори бўлиши, ўзининг ва жамоа фаолиятини қонун талаблари асосида ташкил қилиши лозим.

Мансабингизни сунистеъмом қилманг

Мухаммад ТАЖИБАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Анварбек Қурбанов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2009 йилдан 2015 йил 3 сентябрга қадар Богот туманидаги умумтаълим мактабларининг бирида директорлик қилган. Ачинарлиси, Анварбек ҳар имкониятда самарали "фойдаланиб", ўз чўнтагини қапайтириш пайида бўлганлиги суриштирув жараёнида маълум бўлди. Жумладан, у икки марта мактабга тегишли темир қувурларни сотиб юборган экан. Сотувдан тушган 1 млн. 500 минг сўм пулни эса чўнтагига жойлайди. Шунингдек, мактабда мавжуд бўлган 15 турдаги жами 5 млн. 746 минг сўмлик товар-моддий бойликларни ишчиларга бериб юборади.

Бу орада турмуш ўртоғи, синглиси ҳамда ўғлини мактабда ишламагани ҳолда қоровул, ўт ёқувчи лавозимларига расмийлаштириб қўяди. Уларнинг номига иш ҳақи ҳисоблайди. Тўлов ведомостларига ўзи имзо чекиб бораверади. Йиллар давомида ушбу ҳийласи эвазига қўлга қиритилган маблағ 7 млн. 237 минг сўмини ташкил қилди.

Албатта, А.Қурбанов бу каби талон-торожиликларни бир ўзи амалга оширмаган. Унга ҳўжалик ишлари мудир Р.Хўжаев кўмаклашган экан. Уларнинг ҳар иккиси қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришларига тўри келди.

Қонунни четлаб ўтишга ҳаққимиз йўқ

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилган. Аммо, айрим "тадбиркорлар" берилаётган имкониятлар ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ўрнига амалдаги қонунларни четлаб ўтишга уриниб, мўмай даромад орттириш мақсадида белгиланган тартиб-қоидаларни писанд қилмай, фаолият юритаётганликлари кишини ажаблантиради.

Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи тобора мустаҳкамлаб борилаётгани натижасида Тошкент вилоятида ҳам тадбиркорлик субъектлари йилдан-йилга кўпаймоқда. Вилоят ҳудудида ноқонуний фаолият юритаётган яширин белгиларни аниқлаш

мақсадида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 2016 йилнинг сентябрь ҳолатига кўра, 8 та алкоғолли ичимликлар, 3 та ўсимлик ёғи, 39 ҳолатда ҳар хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехлари аниқланди. Шунингдек, 427 та ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланиш, 123 та

умумий оватланиш шохобчаси ташкил этиш, 205 та ноқонуний хизмат кўрсатиш ва 507 та бошқа ноқонуний фаолиятлар билан боғлиқ ҳолатлар фож этилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва ҳудудий давлат солиқ инспекциялари томонидан бозорлар, савдо марказлари, кўнгилчор масканлар ва жамоат жойларида савдо тартиб-қоидаларига амал қилиниши устидан назорат ҳамда тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этиб боришмоқда. Шунга қарамай, баъзи жойларда ҳаётга татбиқ этилиши ло-

Лобар АЗАМАТОВА,
Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси Аҳборот хизмати бош мутахассиси

зим бўлган тавсия ва тартибларга айрим тадбиркорлар бефарқлик билан қараётганлиги маълум бўлмоқда. Халқимизда "кўза кунда эмас, кунда синади", деган нақл бор. Шундай экан, жорий қилинган тартиб ва қоидаларга амал қилмаган тадбиркорлар адашадилар. Негаки, қонунни четлаб ўтишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

«ХОТАМТОЙЛИК»

ёхуд туман электр таъминоти корхонасидаги қинғирликлар

Халқимиз қадимдан бағрикенглик, саховатпешалик, маралик, хотамтойлик каби хислатлар билан ном чиқарган. Шукри, бугунги кунда ўша аждодаларимизга муносиб, савобталаб авлодларни ҳар қаламла учратиб мумкин. Шу ўринда таъкиллаш лозимки, улар аввало ўзлари пешона тери билан топган бойликларидан хайр-эҳсон қилмашади, шунинг ортидан савоб излашади. Бироқ афсуски, яна шундай юртадошларимиз ҳам учраб турадики, бундайлар бюджегет маблағларини ўйламай-нетмай сарфлаб, талон-торож қилишади.

Ана шундай кимсалар сирасига Олмазор туман электр таъминоти корхонаси раҳбари бўлиб ишлаган Шерзод Мамаджановни киритиш мумкин. 2013 йилда мазкур даргоҳда назоратчи сифатида иш бошлаган Ш.Мамаджановга ишонч билдирилди ва у бир ой ўтар-ўтмас корхона раҳбари лавозимига тайинланди. Ушбу лавозимга тайинланганга қадар туман электр таъминоти корхонасида назоратчи, Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасида тахлил-назорат бўлимида муҳандис бўлиб фаолият юритган бу шахс эндиликда ўзининг хизмат вазифасига биринчи галда истеъмолчиларга электр

энергиясини етказиб беришдан ташқари, электр энергияси ҳисобини юритиш, дебитор қарздорликни қисқартириш, ходимлар фаолиятини назорат қилиш кабилар киришини яхши биларди. Биларди-ку, аммо буларга амалда риоя қилмади. Савоб қидириб, хотамтойлик қилади-ю, бу ишни ўзининг ёнидан эмас, давлат ҳисобидан амалга оширишни маъқул кўради.

Чунончи, "Baraka yutuq" МЧЖдаги электр ҳисоблағичнинг уланishi схемаси нотўғри бўлгани сабабли, ҳисоблағич 63 фоиз истеъмолчининг фойдасига ишлаётгани аниқланган, шунингдек, 2013 йил 23 сентябрда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан далолатнома расмийлаштирилган бўлса-да, Ш.Мамаджанов мансаб ваколатини суистеъмолик қилади. Ҳақиқаткоранинг етакчи ҳисобчиси Г.Адилова ҳамда бошқа шахслар билан ўзаро келишиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритади ва ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан

далолатнома асосида 191 млн. 271 минг сўм миқдордаги маблагни истеъмолчидан ундириш чорасини кўрмайди. Шунингдек, ушбу сумманинг қайта ҳисоб-китоб қилинишига йўл қўйилиб, истеъмолчидан фақат 3 млн. 783 минг сўм миқдордаги маблаг ундирилади. 187 млн. 487 минг сўм эса расмий қилиш йўли билан талон-торож қилиниб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилади.

Орадан икки ой мuddат ўтмасдан "Billur teks" МЧЖдаги электр ҳисоблағич билан ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз бергани аниқланади. Бу сафар ҳам корхона мутасаддилари томонидан худди юқоридаги каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилади. Натижада истеъмолчидан 26 млн. 933 минг сўм ундирилган ҳолда, жами 271 млн. 666 минг сўм миқдорда давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилади.

Ш.Мамаджанов "хотамтой"лик бобиди корхонанинг етакчи ҳисобчиси Г.Адилова, ҳуқуқшунос маслаҳатчи Ф.Азимова,

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биринчи ўринбосари

муҳандислар А.Қасимов, Р.Рапиёв ва бошқаларга ҳам етакчилик қилади. Жумладан, тумандаги 63 хонадонда 125,1 млн. сўмлик қарздорликка йўл қўйган истеъмолчилар сўнгги уч йил ва ундан ортиқ мuddат давомида тўловларни амалга оширмаётган бўлсалар-да, корхона мутасаддилари томонидан ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарагани, яъни ушбу хонадонларда электр энергияси таъминоти-ни тўхтатиб қўйиш ҳамда қарздорликни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрилмаганлиги натижасида давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилади.

Бундан ташқари, Ш.Мамаджанов бошчилигидаги корхона мутасаддилари ҳисоботларга сунъий равишда истеъмолчиларни номаълум бўлган электр энергияси, деган сохта маълумотлар киритишади.

Аммо тўловларни ундиришни яна ҳаёлларидан фаромуш қилишади-ю, бунинг оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2 млрд. 667 млн. 748 минг сўмлик зарар етади.

Текшириш жараёнида шунингдек, корхонанинг омбор мудирини Д.Файзуллаев жавобгарлигидаги товар-моддий бойликлар санокдан ўтказилганда 263 млн. 417 минг сўмлик электр ускуналар ва бошқа товар-моддий бойликлар камоматидаги йўл қўйилгани аниқланди.

Ш.Мамаджанов нафақат давлат ҳисобига "хотамтой"лик қилишни, балки ўз манфаати йўлида қўшиб ёзишнинг ҳам ҳадисини олган экан. "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" АЖ ҳамда "Чорбў ГЭСқурилиш" ҚК мансабдор шахслари билан жиний тил бариқтирган корхона раҳбари Олмазор тумани электр таъминоти корхонасида бажарилган капитал таъмирлаш юзасидан амалга оширилган ишлар қийматида 19 млн. 941 минг сўм ортиққа пул маблағининг асоссиз киритилишига, бу билан эса шунча маблағнинг растрата йўли билан талон-торож қилинишига сабабчи бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судланувчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинлади. Шунингдек, улардан етказилган зарарни солидар тартибда ундириш ҳам белгиланди.

Зўравонлик оқибати

Спиртли ичимликларга ружу қўйиш инсонни издан чиқаради, аввало, унинг саломатлигига, қолаверса, маънавиятга, иқтисодига жиддий зиён етказиши. Ичкиликбозлик туфайли инсон жамиятага, оиладаги ўрнини йўқотади.

Улғубек Азимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) биринчи бор суднинг қора курсисига ўтирганида 23 ёшда эди. Айни куч-қувватга тўлган, элга хизмат қиладиган ёшда суд ҳукми билан 6 йил мuddатга овозликдан маҳрум қилинди. Орадан икки йил ўтиб, амнистия актига биноан жазо тўртдан бир қисмга камайтирилди. Яна икки йилдан сўнг ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди.

Афсуски, у берилган имкониятдан самарали фойдалана олмади. Ўз ҳаётини изга солиш ўрнига ичкиликка берилди. Атрофдагиларни ўзидан бездирди. Натижада оиласи билан ажрашди.

2015 йилда жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг ажримига кўра, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши тугатилди. Аммо у иккинчи имкониятдан ҳам фойдаланмади. 2016 йил 26 февралда суд ҳукми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Улғубек жазони писанд билмади, бир кунини ҳам ўтамади.

Айни вақтда У.Азимов 42 ёшда. Унинг тенгқурлари фарзандларини ўйлантириб, қиларини турмушга беришапти. Аллақачон маънавияти дарз кетган бу кимсанинг эс-хаёли эса ҳар қандай йўл билан пул топиб, ичкилик сипқорши, холос.

Урганч шаҳридаги ошоналардан бирини вачо ичиб ўтирган Улғубекнинг қўзи сал нарида овқатланиб ўтирган йигитларга тушди. Улардан бири ёшроқ, юовшонага ўхшайди. Улғубек унга гап қотди. Йигит ростдан ҳам содда экан, чўчинқираб қўйди. Бундан фойдаланган Улғубек ундан ароқ қуйиб беришини сўради. Йигит дарров унинг айтганини бажарди. Танишишди.



Усанбек РОЗИМОВ,
Қўшқўпир туман прокурори

Исми Исқандар экан. Бу орада Исқандар кимгадир кўнғироқ қилди. У телефонни чўнтагига солиб улгурмай, Улғубек қўлидан юлиб олди. Исқандар янги танишининг яхши одам эмаслигини дарров илғади. У билан тортишчи ўтиришни ўзига эп кўрмай, кўчага чиқди. Уйга қайтиш учун автобусга минди.

Улғубекнинг ҳумори ҳали ҳам босилмаганлиги учун Исқандарнинг орқасидан келиб, автобусга чиқди. Йўлда унга гап қотди.

— Зиёфат қилиб берсанг, телефонингни қайтариб бераман.

Елимдай ёпишиб олган бу кимсадан осон қўтулолмаслигини ўйлаб, Исқандар унга бир шиша ароқ олиб беришга рози бўлди. Йўлда автобусдан тушиб, яқин атрофдаги кафега кирди. Исқандар "Ичкилик олиб берсам, қўтуламан", деб янгилишган эди. Ичкилик ичган сайин, Улғубек одамлилик қиёфасини йўқотиб, янги танишини ҳақоратлашга тушди. Бунга тоқат қилолмаган Исқандар яна яхшиликча қўтулмоқчи бўлди. Ўрнидан туриб, кўчага чиқди. Улғубек йигитга эргашди. Унинг қўлидан сумкасини юлиб олиб, дўппослашга тушди.

Воқеани кузатиб турган йўловчилардан бири ҳуққуни муҳофиза қилувчи идорага телефон қилди. Шу тариха ёш йигитнинг қўл телефонини, 400 минг сўмдан зиёд пулини, кийим-кечаги ва сумкасини босқинчилик йўли билан қўлга киритган У.Азимов воқеа жойида қўлга олинди.

Бу гал суд У.Азимовни 4 йил мuddатга овозликдан маҳрум қилди.

Ичкиликбозлик қўпгина жиноятларнинг сабабчиси саналади. Спиртли ичимлик асрига айланган шахс жамият раванқига тўсиқ бўлади. Шу боис ҳам мамлакатимизда спиртли ичимликлар истеъмолини камайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлом зурриётга эга бўлиш ота-онанинг соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Ичкиликбозликка берилмаслик ҳам соғлом турмуш кечириш гаровидир.

Набижон Ибрагимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) айни пайтда пенсия ёшида. Ачинарлиси, у шу ёшга киргунинга қадар бир неча марта судланган. Масыуиятга ота фарзандларини тарбиялаётганда, "Мен қилган хатоларни сизлар такорраманглар", дея ўғит беради. Н.Ибрагимов эса фарзандини жиноят кўчасига етказди.

Фарзандини йўлдан урган ота

Давронбек МИРЗАЕВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



Н.Ибрагимовга Қирғизистон Республикаси фуқароси, унга аввалдан таниши бўлган Ғолиб исмли шахс кўнғироқ қилди.

— Менга новвойлик билан шуғулланиб юрган йигитлардан керак, — дейди Ғолиб.

Н.Ибрагимов ўша куннинг ўзидаёқ синглисининг эри Авазбекни топиб, унга Қирғизистондаги танишининг новвойхонасида иш борлигини, бир кунда беш қол ун нон қилиб ёпилишини, шунга яраша маош ҳам зўр эканини айтади. Кўпдан буён иш излаб юрган Авазбекка бу таклиф маъқул тушади.

Н.Ибрагимов "новвойлар жамоаси"га коллежининг 2-босқичида таълим олаётган ўғли Каримжонни бош қилиб жўнатадиган бўлди. У шу аснода таниши Қодир Мамаатовни ҳам ишга таклиф қилди.

— Мен новвойчиликдан хабари бор бир йигитни топдим, — деди Авазбек ҳам қайноғасига буткул ишонганидан. — Биласиз, жиниянғиз Мансурнинг қўлидан нон ёпиш келади. Новвойхонани ўзимиз юритаверамиз. Бизга ойликни вақтида бериб туришса бўлгани...

— У ёғидан хотиржам бўлинг! — уни ишонтирди Н.Ибрагимов.

Айтилган санада тўрт киши — Каримжон, Қодир, Авазбек ва унинг ўғли Мансур йўлга тушишди. Янгиқўрган тумани, Нанай ҚФЙ, Қизилёзи маҳалласига етиб олган, даладаги айланма йўллар орқали қоқоний равишда Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтишди.


Авалгаи иш бийойидек кетаётганда. Шу боис Н.Ибрагимовнинг ўғли Каримжон шерикларини ўша ерда қолдириб, ўзи яна ноқонуний йўллар билан чегарани бузиб Ўзбекистон ҳудудига ўтди.

Қирғизистонлик Ғолиб орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг Н.Ибрагимовга кўнғироқ қилиб, Қодир, Авазбек ва унинг ўғли Мансур қўшни республика давлат чегарасини бузганликда айбланиб, қамалгани ҳақида хабар қилди.

— Сен бориб Ғолиб билан гаплаш. Уларни қўтқармасак, аммангдан балога қоламиз, — деди Н.Ибрагимов ўғли Каримжонга. Шу ерда у ўғлининг ҳали воёга етмаганини, такордан давлат чегарасини бузиш жиноятга етаклаётганини ўйлаб ҳам кўрмади.

Каримжон яна яширин йўллар орқали Қирғизистонга борди. Бироқ шерикларини қамокдан олиб чиқиш имконини топа олмади. У чегараларимизни такордан бузиб, қўшни давлат ҳудудига ўтаётган вақтда ҳуққуни муҳофиза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ҳеч бир жиноятчи қонуний жазодан қочиб қўтула олмади. Н.Ибрагимов ва унинг фарзанди Каримжон ҳам суд ҳукми билан жавобгарликка тортилди.




Боян Кркичга Сербия термасида тўп суришга рухсат берилмади

Халқаро футбол федерацияси Сербия футбол иттифоқининг "Сток Сити" ҳужумчиси Боян Кркич фуқаролигини ўзгартириш аризасини рад этди.

Келиб чиқиши сербиялик бўлган Кркич Испанияда туғилиб, "Барселона" клуби академиясида тарбияланган. 2008 йилнинг сентябрида у Испания термаси сафида Арманистонга қарши (4:0) ягона учрашув ўтказганди.

Уша ўйин ЖЧ-2010 турнирига саралаш доирасида бўлгани учун Кркич бошқа мамлакат термаси сафида тўп сура олмайди.



Қарз эвазига маошнинг бир қисми

"Пари Сен-Жермен" клуби ёзда "Манчестер Юнайтед"га ўтган ҳужумчи Златан Ибрагимович сўнги маошнинг бир қисмини ушлаб қолди.

34 ёшли футболчи клубдан маълум миқдорда қарзи борлиги учун парижликлар шундай қарор қабул қилишган. Ибрагимович 2012 йилда "Милан" клубидан "ПСЖ" жамоасига ўтганда парижликлар футболчи тўлаши керак бўлган солиқни Италияга фазнасига тўлаб берган. Ушанда ҳужумчи ушбу қарзни клубга қайтариш борасида ёзма кафолат берган. Аммо Златан шу пайтгача қарзни қайтармай келган.

Ибрагимович қарзни клубга қайтарса, "ПСЖ" жамоаси ушлаб қолинган 30 фоиз ойлик маошни футболчи тўлаб беради.



Париж кўздан кечирилади

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) президенти Томас Бах 1-2 октябрь кунлари Франциянинг Париж шаҳрига ташриф буюради. Бу ҳақда ХОҚ матбуот хизмати хабар тарқатди.

Бах ташрифи давомида 2024 йилги олимпия ўйинларини ўтказиш учун даъвогар шаҳарлардан бири ҳисобланган Париж шаҳрини кўздан кечирилади. Шунингдек, мамлакат президенти Франсуа Олланд, Франция олимпия қўмитаси аъзоси Тони Эстанге, Франция паралимпия қўмитаси аъзоси Бернар Лапассетлар билан ҳам учрашув ўтказилади.

ХОҚ президенти олдинроқ париждан ташқари Будапешт, Нью-Йорк каби шаҳарларга ҳам ташриф буюриб, Олимпиадани ўтказиш учун амалга оширилаётган тайёргарлик ишларини кўздан кечирган эди.


Қайд этиш жоиз, 2024 йилги Олимпиада қайси шаҳарда ўтказилиши 2017 йилнинг 13 сентябр кўни Перу пойтахти Лима шаҳрида маълум қилинади.

«Вест Хэм» Фабрегасни харид қилмоқчи

Лондоннинг "Челси" клуби ярим ҳимоячиси Сеск Фабрегасни қишки трансферлар вақтида жамоасини алмаштириши мумкин, деб хабар беради The Mirror нашри.

Испаниялик футболчи айна дамда "Вест Хэм" клуби жиддий қизиқиш билдирмоқда ва жамоа раҳбарияти Фабрегас ва Димитри Пайет билан ярим ҳимояни кучайтиришни мақсад қилган.

Манбада ёзилишича, Фабрегас "Челси"даги келажаги ҳақида бир қарорга келмаган. Унинг қарори лондонликлар таркибидagi ўйин амалиётига боғлиқ.



«Челси» Баккага кўз тикмоқда

Лондоннинг "Челси" клуби раҳбарияти қишки трансферлар мавсумида ҳужум чизигини кучайтиришни нистамоқда. Бу ҳақда Англия матбуоти хабар тарқатди.

Клуб "Милан" жамоаси ҳужумчиси Карлос Баккани сотиб олишни режалаштирмоқда. "Аристократлар" устози Антонио Конте колумбиялик ҳужумчини алоҳида қувватмоқда.

Аввалроқ "Вест Хэм" жамоаси ҳам Бакка бўйича таклиф билан чиққан эди. Ушанда миланликлар бунга рад жавобини беришганди.



Биздан сизга ким керак?

Англиянинг "Лестер" клуби қишки трансферлар мавсумида "Манчестер Юнайтед" клуби ярим ҳимоячиси Морган Шнайдерлинни ўз сафига қўшиб олиши мумкин. Sunday People нашри тарқатган хабарга кўра, "тулклар" аъзоси Дэни Дринкуотер эса "қизил иблислар" сафини тўлдирishi мумкин.

Шнайдерлин ушбу мавсум "МЮ" клуби сафида 4 марта асосий таркибда майдонга тушган. Унинг клуб билан амалдаги шартномаси 2019 йилгача мўлжалланган.


Дринкуотер эса "МЮ" жамоаси тарбияланувчиси ҳисобланади ва 2012 йилда жамоани тарқ этган. Унинг "Лестер" клуби билан тузган амалдаги келишуви 2021 йилда нихосига етади.



«Барселона» Дибала билан қизиқмоқда

Испаниянинг "Барселона" клуби бош мураббий Луис Энрике Италиянинг "Ювентус" жамоаси ҳужумчиси Пауло Дибалага қизиқишини йўқотмаган, деб хабар бермоқда Mundo Deportivo нашри.

Каталония клуби мавсум охирида футболчини сотиб олишга ҳаракат қилади. Дибаланинг ўзи ҳам "Барселона" клубида ўйнашга қарши эмас. У Месси билан бир жамоада тўп суриш орзуси борлиги ҳақида гапириб келган.



Тайсон огоҳлантирилди

Бутунжаҳон боксчилар ташкилоти (WBO) жаҳон чемпиони Тайсон Фьюрига украинлик боксчи Виталий Кличкога қарши жанг ўтказмаслик қарорини тиббий жиҳатдан асослаш учун ўн кун муҳлат берди. Бу ҳақда "Интерфакс" хабар бермоқда.

Фьюрининг Кличкога қарши ўтказишни қутилаётган жанги бир неча маротаба кўчирилган эди. 9 йилга мўлжалланган учрашув британиялик спортчининг жароҳати туфайли ортага сурилган эди. Ушбу жанг учун сотилган чипталар 29 октябрга қадар амал қилади. Шунга қарамай, Фьюри бу сафар ҳам соғлиги билан боғлиқ сабабларни рўқча қилиб, жангни қолдирди.

Хабарномада таъкидланишича, агар Фьюри рад жавобини сабаб бўладиган ҳужжатларни ўз мuddатида тақдим этмаса, чемпионлик камаридан маҳрум этилиши мумкин, Кличко эса бўшган унвон учун бошқа номзодга қарши рингга тушади.

Агар Фьюрининг далиллари ишончли деб топилса, жанг энг узоғи билан 180 кунга қолдиришга рухсат берилади.

Юридик кадрларни тайёрлашдаги долзарб вазифа



Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳукумати-миз томонидан ёш ва малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш борасида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурунинг ҳаётга татбиқ этилиши муносабати билан мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Дарҳақиқат, жамиятни демократлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва суд ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида юридик таълимнинг аҳамияти бекиёсдир.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда замонавий талабларга жавоб берадиган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, ҳуқуқшунослик фани ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти-ни такомиллаштириш ҳамда юристларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ушбу соҳа вакиллари зиммасидадир. Бунинг учун эса, улар

нафақат зарур билимларни эгаллашлари, балки шу билимларни амалиётда қўллаш олишлари ҳам шарт.

Шу билан бирга, юридик кадрларни тайёрлаш тизимида яна бир муҳим вазифалардан бири таълим олаётган талабаларда ва ўз касбий йўналиши бўйича малака ошираётган тингловчиларда Ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш фазилатларини қарор топтиришдан иборатдир. Чунки, Ватанга содиқлик оила, авлод-аждодларнинг ор-номусига чуқур эътиром билан қарашига, инсоннинг ўз виждони ва бурчига содиқлигига бориб тақалади. Ўзбек халқининг юк-

сак миллий қадриятлари ватанпарварликни, миллий гурурни юксалтиришда, жамият равнақи йўлидаги қийинчиликларни энгиб ўтишда ёрдам беради.

Ватанпарварлик она юртининг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилатдир. Ватанга, халқга бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, инсон қалбидан чуқур ўрин олади, фаолиятига таъсир этади.

Бугунги кунда ватанпарварлик тарбиясининг асосий мақсадлари сифатида қуйи-

дагиларни қайд этиш лозим:

— ёшларда ўз халқига садоқат, Ватан тарихига ва аъёналарига чуқур ҳурматда бўлиш хислатини шакллантириш;

— ёшларни мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш руҳида тарбиялаш;

— Ватан ва миллат олдидаги фуқаролик бурчига содиқлигини намоён этишга доимо тайёр туриш;

— ёшларни маънавий меросимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш ва Ватанга содиқликни шакллантириш;

— она тилига бўлган ҳурмат-эътиромни қозониш билан бир қаторда бошқа тилларни ўрганишнинг аҳамиятини тушунтириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ҳам Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимлари малакасини, назарий билим ва амалий кўникмаларини мунтазам равишда ошириш, ишчанлик ва профессионал фазилатларини камол топтиришда, уларни ватанпарварлик, она юртга ва хизмат бурчига содиқлик руҳида тарбиялашда жуда муҳим ташкилий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг
ОУК кафедраси бошлиғи
вазифасини бажарувчи

Бугунги кунда ҳар бир прокуратура органи ходимидан ватанпарварлик туйғусини юксаклаштириш, шунингдек, ўз фаолияти давомида чуқур билимга, зарур амалий тажрибага эга бўлиш, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан, ҳалол-поқ, қатъиятлик ҳамда ташаббускорлик билан бажариш талаб этилмоқда. Бундай талабларнинг қўйилиши ўз навбатида прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳамда республиканинг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш каби вазифаларининг бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, юридик кадрларни тайёрлашда уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш ҳамда кадрларнинг юқори даражадаги назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлишлари бугунги кундаги асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Реклама (эълон)

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

“Юқори даромад” – омонатга маблағлар 8 ой муддатга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади ва омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

“Омад” – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

“Мустақил юртим” – омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kekshilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-7108. 38 372 nusxada bosildi.
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004